

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ИНАМОВ АЗИЗ НИЗАМОВИЧ

**ГАТ ДАСТУРЛАРИ (ARCGIS) АСОСИДА ЕР ҲИСОБИНИ
МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМИНИ МОДУЛЛАШТИРИШ
(Жиззах вилояти мисолида)**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК: 631.111:004.67:528.946(575.114)(043.3)

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Инамов Азиз Низамович

ГАТ дастурлари (ArcGIS) асосида ер ҳисобини маълумотлар базасида
шакллантиришнинг автоматлашган тизимини модуллаштириш (*Жиззах
вилояти мисолида*)..... 3

Инамов Азиз Низамович

Модулирование автоматизированной системы учета земель на базе
программ-ГИС (ArcGIS) (*на примере Джизакской области*)..... 21

Inamov Aziz

Modulation of the automated system of land quality monitoring database on
the basis of gis programs (ArcGIS) (*in case of Jizzakh region*)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ИНАМОВ АЗИЗ НИЗАМОВИЧ

**ГАТ ДАСТУРЛАРИ (ARCGIS) АСОСИДА ЕР ҲИСОБИНИ
МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМИНИ МОДУЛЛАШТИРИШ
(Жиззах вилояти мисолида)**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т2030 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Тўлқин Мансурович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Авезбаев Саъдулла Авезбаевич
иқтисод фанлари доктори, профессор

Жўракулов Дониёр Очилович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик-иқтисодийёт институти

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» июнь соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____даги __ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д. профессор

Э.Ю.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ерларининг ер майдонлари ҳисоби тўғрисидаги кўрсаткич маълумотларини юритишда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш етакчи ўринни эгалламоқда. Дунё миқёсида дастурий таъминотлардан фойдаланиб ер ҳисобини географик маълумотлар базасида шакллантиришнинг автоматлашган тизимини модуллаштириш амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан суғориладиган ерлардан фойдаланиш назоратини ўрнатиш, геомаълумотлар базасида ер ҳисобини юритиш, ер тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш тизимини автоматлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳисобини юритиш ва замонавий усулларни қўллаган ҳолда ерга оид ахборотларни геомаълумотлар базасига интеграция қилиш, геостатистик таҳлиллар бажариш механизминини автоматлаштириш, кодлаш усули ёрдамида дастурий таъминотга қўшимча интерфейсларни яратишнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобини юритишда юқори аниқликдаги ер тўғрисида ахборотларга эга бўлиш ва ер майдонлари юзасини аниқлашда иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ер тузиш ва ер кадастри соҳаси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, ерга доир барча ахборотларни рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ер ресурслари, манзил, йўл, муҳандислик инфратузилмаси, туризм соҳаларида сунъий йўлдош қабул қилгичлардан фойдаланган ҳолда тезкор маълумот йиғиш ва электрон давлат хизматларини кўрсатишда фойдаланиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ерларини замонавий усуллар асосида мониторинг қилиш, ер ҳисобини юритиш ва ернинг сифат кўрсаткичлари бўлган тупроқ айирмаларини геомаълумотлар базасида визуаллаштириш ҳамда жараёнларнинг автоматлашган тизимини модуллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 апрелдаги ПФ-5708-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 августдаги 273-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

«2016–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2014 йил 18 августдаги 235-сон «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари» ҳамда IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ерларини ўлчов асбоблари ёрдамида ер майдонларининг қийматини аниқлаш, экин турларини йўқламадан ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларини сифат кўрсаткичлари бўлган тупроқ унумдорлигининг аниқлаш бўйича чет эл олимлари қатори республикамизда ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бинобарин, муаммонинг геоахборот тизимини юритиш жиҳатларини назарий ва услубий асосларини чет эл олимларидан - J. Bouma, P.A. Burrough, J.J. de Grijter, E. Van Ranst, A.K.L. Johnson, & A.V. McBratney ва бошқалар тадқиқ этишган. Шунингдек, П.А.Костичев, В.Р.Вильямс, А.Г.Дояренко, Н.А.Качинский, И.Н.Антипов, С.В.Астапов, А.В.Лебедев, П.В.Вершинин, А.Ф.Тюлин, А.А.Роде, С.И.Долгов, И.Б.Ревут, С.Н.Рижов, М.У.Умаров, Л. Турсунов, И.Турапов ва бошқа олимлар геоахборот тизимида ер ҳисобини юритишнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этган бўлса, жараёнларни автоматлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини эса К.М.Мелихов, С.В.Козменкова, С.В.Касьянов, В.И.Кусов, А.Л.Ильиних, Ю.В.Рябов, Е.В.Белорусцева, М.Е.Буковский ва бошқалар ишлаб чиқишган.

Ўзбекистонда ер ҳисобини юритиш, ер тузиш, ерларни оптималлаштириш ва геомаълумотлар базасида шакллантиришга оид илмий тадқиқотлар М.М.Бозоров, М.И.Умаров, Ф.Р.Хамидов, Х.Хамраев, Қ.Холмуродов, Ж.Олтиев ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан илмий ишлар олиб борилган ҳамда, геомаълумотлар базасини яратишга оид илмий тадқиқотлар Э.Ю.Сафаров, И.М.Мусаев, О.Р.Алланазаров, С.Н.Абдурахмонов ва бошқа олимлар изланишларида олиб борганлар ва ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида ер ҳисобини замонавий усулларда юритиш ва шакллантириш, дала тадқиқот натижаларини геомаълумотлар базасига интеграциялаш, интерполяция усулида тупроқ айирмаларини визуаллаштириш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, жараёнларни автоматлаштириш ва модуллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли қишлоқ хўжалигининг электрон рақамли картаси ёрдамида ер ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш ва барча жараёнлар кетма-кетлигини модуллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий - тадқиқот ишлари режасининг БФ-44-010-сонли «Давлат ер кадастрини юритишда ахборотлаштиришнинг назарий ва методологик асослашни тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2015–2018), «Ўқув илмий ишлаб чиқариш маркази ҳудудида ер кадастрини ўтказишда топографо-геодезик иш услубларини такомиллаштириш» (2015–2017), «ГАТ дастурлари асосида ерларни сифат ҳисоби маълумотлари базасини яратиш» (2020–2022), Европа иттифоқи Erasmus+ 585718-EPP-1-2017-1-HUEPPKA2-SBHE-JP халқаро лойиҳасининг «DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура» (2017–2020) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ArcGIS дастури асосида ер ҳисобини маълумотлар базасида шакллантиришнинг автоматлашган тизимини модуллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тупроқ унумдорлиги тўғрисидаги ахборотларни геомаълумотлар базасига интеграциялаш ва тупроқ айирмаларини электрон рақамли кўринишда визуаллаштириш тизимини автоматлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобини GPS тўлқин қабул қилгич қурилмасида экин ер майдонлари аниқлаш услубиятини такомиллаштириш;

замонавий дастурий таъминотлар ёрдамида ер ҳисоби тўғрисидаги интерфейсларни ишлаб чиқиш ва ахборот алмашинувини такомиллаштириш;

тупроқ унумдорлиги ва ер ҳисоби бўйича ахборотларни таҳлил қилиш учун автоматлашган тизим алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилояти ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ерлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини экин ер майдонларининг инновацион метод ва технологиялар асосида мониторинг қилиш, тупроқ бонитет бали визуаллаштирилган электрон рақамли карталарни ҳамда, ArcGIS дастурида ер ҳисоби тўғрисидаги ахборотларни намоён қилувчи интерфейсларни яратиш ва ахборотлар таҳлилининг автоматлашган тизимда амалга ошириш бўйича алгоритмлар ишлаб чиқишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ер ҳисобини юритиш, мониторинг қилиш, геостатистик таҳлиллар қилиш, объектларни геофазовий боғлаш, картографик белгилар бериш, масофадан зондлаш, алгоритмлаш, кодлаш ҳамда ахборотларни рақамлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориладиган ер майдонларининг тупроқ таснифлари (бонитет бали)ни, ер контур рақамларини ва ер майдонларининг координата қийматларини сунъий йўлдош тўлқин қабул қилгич қурилмаси асосида геомаълумотлар базасига интеграция қилиш механизми такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги экин ерларини мониторинг қилиш усулидан фойдаланиб, рельеф нишаблиги(рельеф шакллари)ни инобатга олган ҳолда ер ҳисобини юритишнинг навигацион усули ишлаб чиқилган;

python дастурлаш тили асосида ер майдонларининг меъёрий қиймат кўрсаткичларини автоматлашган усулда аниқлаш ва қўшимча интерфейсларни яратишнинг технологик тизими такомиллаштирилган;

ер ҳисобини юритишнинг автоматлашган тизими ишлаб чиқилган, уларнинг тупроқ карталарини тузиш самарадорлиги 70% га оширилган ва ArcGIS дастурида автоматлаштириш механизмининг модули ишлаб чиқилаган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тупроқ унумдорлиги тўғрисидаги ахборотлар геомаълумотлар базасида шакллантирилиб, тупроқларнинг айирмаларини интерполяция усули орқали визуаллаштириш тизими автоматлаштирилган;

экин ер майдонларини тадқиқ этишда замонавий GPS тўлқин қабул қилгич қурилмаси ёрдамида инновацион усулда ер ҳисобини юритиш услубияти такомиллаштирилди ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилди;

Visual Studio дастури ёрдамида ArcGIS дастурига қўшимча интерфейсларни киритиш учун алгоритм ишлаб чиқилди ва дастурий таъминотларнинг ахборот алмашинуви ўзаро интеграция қилинди;

ернинг сифат кўрсаткичларидан бири бўлган тупроқ ва дала тадқиқот натижаларида аниқланган ер ҳисоби бўйича ахборотлар ArcGIS дастурининг ModelBuilder ёрдамчи панелида автоматлашган тизимнинг алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази давлат унитар корхонаси, Ўзбек давлат ер тузиш ва илмий лойиҳалаш институти, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, Жиззах вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси материалларидан фойдаланилганлиги, тадқиқотлар натижасида яратилган модуллар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобининг сифат кўрсаткичларини замонавий методларда геоахборот тизими технологияларининг дастурий таъминотларида юритиш ва шакллантиришни автоматлаштириш, модуллаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий ҳужжатлар услубиятини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган асосий тупроқ маълумотлари ва координаталари тупроқ карталарини тузиш ва қишлоқ хўжалиги ерларининг мониторинги ва назоратини автоматлашган усулда олиб боришга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ГАТ дастурлари (ArcGIS) асосида ер ҳисобини маълумотлар базасида шакллантиришнинг автоматлашган тизимини модуллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

суғориладиган ер майдонларининг тупроқ таснифлари (бонитет бали)ни, ер контур рақамларини ва ер майдонларининг координата қийматларини сунъий йўлдош тўлқин қабул қилгич қурилмаси асосида геомаълумотлар базасига интеграция қилиш механизми ва ер ҳисобини юритишнинг навигацион усули Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфидаги “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институтида жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 5 февралдаги 03-05-742-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари бўйича илмий ишланмалар ва замонавий технологияларни қўллаш бўйича кўрсатмалар ерларнинг тупроқ карталарини тезкор яратиш имконини берган;

python дастурлаш тили асосида ер майдонларининг меъёрий қиймат кўрсаткичларини автоматлашган усули Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфидаги Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази давлат унитар корхонасида жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 5 февралдаги 03-05-742-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари бўйича ер кадастрини юритишда маълумотларнинг тизимли юритилиши ва бошқа давлат кадастрлари маълумотларини юритишга асос бўлиши юқори самарадорликка эришишга хизмат қилган;

ер ҳисобини юритишнинг автоматлашган тизими Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфидаги Жиззах вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига жорий қилинди (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 5 февралдаги 03-05-742-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари бўйича ер ҳисобини юритиш ва тупроқ сифатидан келиб чиқиб ерларнинг меъёрий қиймат баҳосини аниқлашда юқори унумдорлик потенциалини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ер ҳисобини юритиш тизими**» деб номланган биринчи бобида суғориладиган ер турлари ва хориж тажрибаларини ўрганиш, Жиззах вилояти ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобини юритиш ҳолати ва масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланишда дронларнинг аҳамияти, қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва сифат кўрсаткичларини визуаллаштиришда инновацион технологияларни қўллаш масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш тизимида мамлакатни 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси муҳим амалий аҳамият касб этади. Изланишлар натижасига кўра 1:10 000 масштабдаги электрон рақамли картасида қишлоқ хўжалиги ерларига оид экспликация бўйича барча ахборотларни атрибутив маълумотлар жадвалига киритиш, GPS навигаторлари ёрдамида ер майдонларининг қийматини инновацион усулларда аниқлаш, тупроқ таҳлиллари олинган жойларни GPS навигаторларида координаталарини белгилаш ва олинган дала тадқиқот натижаларини геомаълумотлар базасига интеграциялаш масалаларига эътибор қаратилмаганлиги ўрганилди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигининг электрон рақамли картаси ёрдамида ерларнинг сифат ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш ва барча жараёнлар кетма-кетлигини модуллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Жиззах вилояти Дўстлик туманида қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш ва 1:10000 масштабдаги электрон рақамли картасини янгилаш учун масофадан бошқарилувчи қурилма ёрдамида аэрокосмик суратлар олинди. Пахтакор ва Дўстлик туманларида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда фотопланлар яратилиб камерал ва дала шароитда дешифровка ишлари бажарилди. Тайёрланган фотопланларга туман ердан фойдаланувчилар чегаралари мавжуд бўлган юридик ҳужжатларга (хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари, туман навбатчи картасига) туширилди.

Дала тадқиқотлари натижалари қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш ишларида кенг фойдаланилди. Масофадан бошқарилувчи қурулмалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш ва картографик асосини яратиш (1-расмда) механизми ишлаб чиқилди.



1-расм. Қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш ва картографик асосини яратиш механизми

Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигини ривожлантириш, айниқса мамлакатимизда мустақиллик йилларида ерга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, ер қонунчилигини замон талаблари даражасида такомиллаштиришнинг аҳамияти беқиёсдир. Қишлоқ хўжалиги ерлари назоратини олиб боришда ва ҳисобини юритишда ерни масофадан зондлашга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Ерни масофадан зондлашда космосуратлар ва масофадан бошқарилувчи қурилмалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш ва экин майдонлари ҳисобини юритиш ишлар амалга оширилди. Натижада қишлоқ хўжалигининг электрон рақамли карталарини янгилаш ва экин турларини картага жойлаштириш масалалари ўз ечимини топди.

Диссертациянинг «**Тажриба майдонида ер ҳисобини юритишнинг замонавий услублари**» деб номланган иккинчи боби сунъий йўлдош қабул қилгичларида ердан фойдаланувчи субъектларнинг ер майдонлари ҳисобини навигацион усулда юритиш услубиятини такомиллаштириш, ер турлари ва ердан фойдаланувчилар кесимида электрон рақамли карта тузиш услубиятини такомиллаштириш, космосуратлардан фойдаланиб электрон рақамли карталарни янгилаш ва фазовий боғлашдаги хатоликларини аниқлаш йўллари тадқиқ қилинган.


Бугунги кунга қадар ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги соҳасида қўлланилган GPS ва GNSS приёмниклар асосан бир ва икки частоталик бўлганлиги сабабли, ўлчов аниқлик даражаси сантиметр бирлигида амалга оширилади.

Юқори аниқликдаги навигацион съёмка ишларини амалга ошириш мақсадида муаллиф томонидан GPS қурилмасига электрон рақамли карталарни юклаш ва навигацион съёмка ишларини амалга ошириш технологияси ишлаб чиқилди (2-расм).

Аниқлик даражаси рельеф мураккаблиги, ровер антеннасининг радиуси очиклиги ва об-ҳаво шароитига қараб ўртача 60 сантиметрли ташкил этади. Аниқлик даражасини ошириш мақсадида қилинадиган ер тузишда геодезик ишлар ва геоинформатик ишлар қўшимча вақт ва мутахассиснинг интеллектуал салоҳиятини талаб этади. Бундан ташқари ўртача мураккабликдаги бўлган 3 гектар ҳудудни 1:1000 масштабдаги планини тузиш мақсадида олиб бориладиган ер тузишда геодезик ишлар учун энг камида уч нафар етук малакали мутахассиснинг 8 соат давомида иш олиб бориши ҳамда GPS ва GNSS приёмникда олинган маълумотларни давлат геодезик пунктига боғлаши каби ноқулайликларни олиб келиши тадқиқотлар жараёнида муаллиф томонидан аниқланди.

GPS ва GNSS приёмниклар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш ишларини олиб боришда рельефи мураккаб бўлган ҳудудларни тадқиқ этишдаги хатоликлар аниқланди. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида ер эгрилигини ҳисобга олиб, GPS ва GNSS приёмникларида “step by step” режимида олиб борилиши юқори аниқликдаги ахборотларни тақдим этиши тадқиқотлар натижасида ўз исботини топди. “Start-stop” режимида

олинган координата нуқталарини приёмник фазода бирлатириши оқибатида масофа хатолиги вужудга келади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларини мониторинг қилишда “Step by step” режими ҳар бир бурилиш ва оғиш бурчагига нисбатан автоматик жой координаталарини ҳисоблаш ва натижада масофа ўлчашдаги хатоликлар юзага келмаслиги аниқланди.



2-расм. GPS қурилмасига электрон рақамли карталарни юклаш ва навигацион съёмка ишларини амалга ошириш технологияси

Бу борада муаллиф томонидан геоахборот тизими оиласига мансуб ArcGIS дастурий таъминотида яратилган электрон рақамли карталарни GPS қурилмасига юклаш ва навигацион съёмка ишларини амалга ошириш шу билан бирга дала ишларини геомаълумотлар базасига конвертация қилиш технологиясининг илмий асоси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Ерларнинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш ва модуллаштириш алгоритмини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи боби Сунъий йўлдош қабул қилгичлари ёрдамида олинган дала тадқиқот натижаларини геомаълумотлар базасига интеграциялаш, геомаълумотлар базасида ер ҳисобини сифат жихатидан юритишнинг автоматлашган тизимини Visual Studio дастурий таъминотида алгоритмини ишлаб чиқиш, Геомаълумотлар базасидаги мавзули қатламларнинг атрибутив жадвалларини алгоритмга боғлаш, қўшимча модулларни ишлаб чиқиш ва уларни активлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган.

Илмий тадқиқотлар натижасига кўра GPS қурилмасидан олинган вектор форматдаги ахборотларнинг геомаълумотлар базасига интеграциялаш натижасида ахборотларни ўзгариши кузатилди. Шу боис муайян хатоларни олдини олиш мақсадида объектларга идентификацион рақам бериш иш самарадорлигини оширади.


GPS қурилмасидан геомаълумотлар базасига ахборотларни интеграция қилишда объектларга идентификацион рақам бериш тизими жорий қилиниши муаллиф томонидан ишлаб чиқариш ташкилотларига тавсия этилди. Вектор маълумотларига идентификацион рақам бериш GPS қурилмасидан геомаълумотлар базасига маълумотларни интеграциялашга асос бўлиб хизмат қилади.

GPS қурилмасидан геомаълумотлар базасига ахборотларни интеграция қилишда картографик проекция усулидан фойдаланиш бўйича муаллиф томонидан проекциялаш алгоритми ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқариш ташкилотларига тавсия этилди (1-жадвал).

Координаталар қийматларини бир тизимдан бошқасига проекция қилиш тартиби


1-жадвал

№	Координаталар тизимининг номи	Тизим бирлиги	Проекция номи	Тизимни алмашлаш кетма-кетлиги
1	WGS 84	Географик	Цилиндрик	WGS 84(географик)- СК42(географик)- СК42(тўғри бурчакли)
2	СК-42	Тўғри бурчакли	Гаусс-Крюгер (Азимутал)	




Геомаълумотлар базасидаги электрон рақамли картага проекция асосида импорт қилинган вектор маълумотлар алоҳида географик жойлашуви билан

ажралиб туради. Вектор маълумотлардан фойдаланилган ҳолда ердан фойдаланувчининг экин турлари ажратилади ва алоҳида майдон кўринишидаги мавзули қатламлар билан белгиланади. Нуктали кўринишидаги вектор маълумотларидан атрибутив жадваллар тўлдирилади ва геометрик калькуляция қилиш йўли орқали ер майдонлари автоматик тарзда ҳисобланади (3-расм).




а) GPS маълумотларини геомаълумотлар базасига импорт қилиш



б) GPS маълумотларини майдонли қатламда векторлаш



в) Вектор кўринишидаги майдонли қатламларга шартли белгилар бериш



г) Майдонли қатламларнинг атрибутив маълумотларини шакллантириш

3-расм. Ахборотларни геомаълумотлар базасига киритиш ва визуаллаштириш

Ер ҳисобини юритиш ва геомаълумотлар базасига ахборотларни интеграциялаш ишлари юқори сифатда, кам вақт сарфлаб кўп иш унумига эришиши мумкинлиги исботланди. Бундан ташқари ер тузувчи ҳодим ва ердан фойдаланувчилар муносабатининг тўқнашуви натижасида юзага келадиган қонунбузарликлар(коррупция)нинг олди олинди. Дала тадқиқот ишларини олиб борувчи ер тузувчи мутахассис ер контурларининг майдони ҳақидаги мавжуд

маълумотга эга бўлмайди ва экин турлари чегаралари ўлчаниб геомаълумотлар базасига узатилади. Геоахборот тизими базасини шакллантирувчи мутахассис чегара чизиқларидан фойдаланиб экин ерларининг майдони бўйича қиймат ва сифат кўрсаткичларини аниқлайди. Мазкур илмий янгилик муаллиф томонидан “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институти Жиззах бўлинмасида синовдан ўтказилди ва фойдаланишга тадбиқ этилди.

Геомаълумотлар базасида ахборотларни шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш ишларини ташкил этишда ер тузувчи мутахассисларнинг мунтазам дала тадқиқот ишларини олиб бориши ва геомаълумотлар базасидаги ахборотларни янгилашидаги боғлиқликка асосланади.

ArcGIS дастурий таъминотида мавжуд бўлган интерфейслар ер контури ёки ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги сифат ва миқдор кўрсаткичларини бир ойнада визуаллаштириш имкониятини бермайди. Шу сабабли дала тадқиқот ишларини геомаълумотлар базасига интеграция қилиш ва ер контурлари тўғрисидаги сифат ва миқдор кўрсаткичига эга бўлган барча ахборотларни бир ойнада визуаллаштириш соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифа саналади. Муаллиф томонидан Visual Studio дастури ёрдамида ArcGIS дастурига қўшимча интерфейс яратиш ва барча сифат ҳамда миқдор кўринишидаги ахборотларни ер контурига интеграция қилиш кетма-кетлигига “Python” дастурлаш тилида алгоритм кодлари ишлаб чиқилди.

Visual Studio дастурида кодлаш ишлари якунига етгач, маълумотларни визуаллаштирувчи интерфейслар мазкур дастурда яратилади. Бунинг учун маълумотларни интеграциясидан келиб чиқиб мавзули қатламлар танланади ва яратилаётган интерфейсга боғланади.


ArcGIS дастурига буйруқ тугмачаси қўшимча модул сифатида юкланади ва визуаллаштирилади. Муаллифнинг илмий изланишларига кўра дала тадқиқот ишлари идентификатор рақами ёрдамида ер контурига боғланди ва ишлаб чиқилган алгоритм бир дарчада ер контурига тегишли бўлган сифат ҳамда миқдор кўрсаткичларига эга ахборотларни визуаллаштиришда хизмат қилди. Мазкур интерфейсларни ахборотларга боғлаш ва ерларнинг сифат ҳисобини юритишда автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш учун “VBScript”, “JScript” ва “Python” ва “VBScript” дастурлаш тилларидан фойдаланиш талаб этилади. Шу боис муаллиф ўз илмий изланишларида “Python” дастурлар тили ёрдамида “ModelBuilder” алгоритмларини ишлаб чиқди.

ModelBuilder мураккаб бўлмаган ишчи жараёнларни автоматлаштириш, босқичларни яратиш ва бажаришда катта қулайликлар келтиради, шунингдек, ArcGIS нинг функционал имкониятлари учун қўшимча усулларни тақдим қилади, бу эса аниқ моделларни панел сифатида яратиш ва биргаликда қўллаш имконини беради. Бундан ташқари, ModelBuilder ArcGIS нинг бошқа иловалар билан интеграциялашуви имконини беради (4-расм).

Автоматлаштириш босқичлари:

- географик жойлашувига эга бўлган электрон рақамли маълумотларни экспорт қилиш;

- дала тадқиқот натижаларини GSM тармоғи орқали геомаълумотлар базасиги интеграциялаш;
- дала тадқиқот натижаларига таяниб геостатистик таҳлилларни амалга ошириш.



4-расм. ModelBuilder да дала тадқиқот ишларини геомаълумотлар базасига конвертация қилиш тизимини автоматлаштириш алгоритми

ArcGIS дастурининг ArcMap иловасида яратилган электрон рақамли карталарни мавзули қатламлари модуллаштириш объекти саналади.

GPS қурилмаси ёрдамида бажарилган дала тадқиқот натижаларини ArcGIS дастурига юклаш ва геостатистик таҳлилларни амалга ошириш куйида келтирилган тартибда амалга оширилади (5-расм).



5-расм. Ердан фойдаланувчилар, ер контурлари ва тупроқ бонитет баллари визуаллашган ArcGIS дастурининг интерфейси

Натижаларни ArcGIS дастурига импорт қилиниб, геостатистика модули бўйича таҳлиллар амалга ошрилади. Таҳлиллар натижасида тупроқ балл бонитети қийматига кўра сифатли ранглар усулини қўллаб RGB спекторлари классификациясини автоматик тарзда яратиш ва тупроқ айирмаларини

визуаллаштиришга эришилади. Мазкур тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга қадар тупроқ айирмаларини “Тупроқ таркиби ва репозиторияси, сифати таҳлил маркази” томонидан механик усулда амалга ошириб келишмоқда.

Механик усулда бажариб келинаётган ишларда тупроқ айирмаларини чизиш кўп вақт талаб қилиб, ердан фойдаланувчиларга меъёрий қиймат баҳоларини чиқаришда ҳудудий ер тузувчи мутахассисларга етарли даражада муаммолар туғдириб келмоқда. Жумладан, бир ер контурида бир неча тупроқ айирмаларини тушишини келтириш мумкин. Муаллиф тавсия этаётган автоматлашган тизимда эса, тупроқ айирмаларини автоматик тарзда чизиш ишларини дастурий таъминотнинг модули бажаради. Ер контури бўйича меъёрий қиймат баҳоларини алгоритм кодлари ёрдамида умумий ҳудуд, туман ёки вилоят миқёсида аниқлаш имкониятини тақдим этади.

ХУЛОСА

“ГАТ дастурлари (ArcGIS) асосида ер ҳисобини маълумотлар базасида шакллантиришнинг автоматлашган тизимини модуллаштириш” (Жиззах вилояти мисолида) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 сентябрдаги ПҚ-2045-сонли “Миллий географик ахборот тизимини яратиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалигининг электрон рақамли карталарини янгилаш ва суғориладиган ер майдонларида ягона картографик асосини тузиш ва мунтазам янгиланиб борилаётган электрон рақамли карталарни сифатини янада ошириш ҳамда тизимли равишда юритиш имконини берди;

2. Тупроқ бонитировкаси ишлари натижаси геоахборот тизими технологияларидан фойдаланган ҳолда визуаллаштирилиб, тадқиқот объектининг 1:10000 масштабдаги тупроқ айирмалари ва экин турлари кўрсатилган электрон рақамли карталари ҳамда ушбу карталарга экспликацияларни тузиш, тупроқ карталари асосида тупроқларни баҳолаш, жойларда суғориладиган ерларнинг ўртача бонитет баллари ва кадастр гуруҳлари бўйича майдонларни аниқлаш имконини берди.

3. Дала тадқиқот натижасида аниқланган ахборотларни геомаълумотлар базасига интеграция қилиш, геостатистик таҳлилларни амалга ошириш ва тупроқ айирмаларини ажратувчи контурларни визуаллаштириш имкони яратилди.

4. Космик ва аэросуратлардан кенг қўламда фойдаланилган ҳолда аниқлик даражаси юқори бўлган электрон рақамли карталарни тенглаштириш, трансформация қилиш ва электрон рақамли карталарни янгилаш технологияси ишлаб чиқилиб, иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида қўллаш имконини яратди.

5. Ер ажратиш, қишлоқ хўжалик экинларини мониторингини олиб бориш, ер тузиш, ер кадастри ишларини амалга ошириш, ерларнинг тупроқ картасини тузиш, ердан фойдаланувчилар томонидан фойдаланилаётган ер майдонларини жойлашган ўрни ва чегараларини аниқ кўрсатиб бериш, уларга белгиланган тартибда кадастр рақамларини бериш, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг жойлашувини кўрсатиш имконини берди.

6. Қишлоқ хўжалиги ерларини GPS қурилмаси ёрдамида тадқиқ қилиш, экин турлари ва ер майдонларини инновацион усулда ўрганиш бўйича вақт унумдорлиги ҳамда иш ҳажмини камайишига эришилди.

7. Дала тадқиқот натижаларини GSM тармоғи орқали геомаълумотлар базасига интеграция қилиш ҳамда маълумотлар алмашинувини конвертациялаш ишлари амалга оширилди ва ижобий натижаларга эришилди.

8. Ер ҳисобини Visual Studio дастури ёрдамида автоматлашган тизимини юритиш, визуаллаштириш ва ArcGIS дастурига дала тадқиқот натижаларини интеграциялаш орқали ер ҳисоби тўғрисидаги ахборотларни намоён этувчи интерфейсларни алгоритмлаш ишларини такомиллаштириш имкониятини яратди.

9. Дала тадқиқот натижаларини босқичма-босқич шакллантириш ва бир бутун яхлит таҳлилий натижага эришиш учун GPS қурилмаси, ArcGIS, Visual Studio ва SAS Planeta дастурлари маълумотлари алмашинувининг интеграциялаш имконияти яратилди.

10. Атрибутив маълумотларни экспорт қилиш, ердан фойдаланувчиларни сифат жиҳатидан дала тадқиқот ишларини ўтказиш, ер майдонлари марказига автоматик тарзда вектор кўринишидаги қатламларни яратиш, фазовий маълумотларни геостатистик таҳлил қилиш, тупроқ айирмаларини автоматик режимида визуаллаштириш ва Model Builder – да алгоритмларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш имкони яратилди.

11. Model Builder дастур иловаси ёрдамида электрон рақамли карталарни ва ердан фойдаланувчиларни GPS қурилмасига юклаш, атрибутив маълумотларни Excel жадвалига конвертация қилиш, тупроқ таҳлиллари бўйича суғориладиган ерларни сифатли ранглар усулида визуаллаштириш ишларини автоматлаштириш ва алгоритмалар ёрдамида модуллаштириш имконияти яратилди.

12. Ер ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш, қўшимча ахборот берувчи интерфейсларни ишлаб чиқиш, GPS қабул қилгичи ёрдамида олинган координата қийматларини геомаълумотлар базасига интеграциялаш ва тупроқ хариталарини электрон рақамли кўринишда юритиш бўйича яратилган “ArcGIS SMART” видео дарслик тўплами ТИҚХММИ “Геодезия ва геоинформатика” кафедрасининг ўқув жараёнида ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий - ишлаб чиқариш давлат корхонасида жорий этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ИНАМОВ АЗИЗ НИЗАМОВИЧ

**МОДУЛИРОВАНИЕ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ СИСТЕМЫ УЧЕТА
ЗЕМЕЛЬ НА БАЗЕ ПРОГРАММ-ГИС (ARCGIS)
(На примере Джизакской области)**

06.01.10 - Землеустройство, кадастр и мониторинг земель

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) технических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/Т2030

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаев Тулкин Мансурович**
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Авезбаев Саъдулла Авезбаевич**
доктор экономических наук, профессор

Жўракулов Дониёр Очилович
кандидат технических наук, доцент

Головная организация: **Каршинский инженерно-экономический институт.**

Защита диссертации состоится «___» июня 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871) 237-22-09; факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер №___). Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871)237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2021 года.)

Т.З.Султанов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

А.А.Янгиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Э.Ю.Сафаров
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Использование современных методов и технологий при определении показателей данных учета земель сельскохозяйственного назначения играет ведущую роль в мире. Используя программных обеспечений в мировом масштабе при модуляция автоматизированной системы формирования земельного учета на географической базе данных требует внедрить в практику. В связи с этим важным является установление контроля за использованием орошаемых земель, ведение земельного учета в базе геоданных, автоматизация системы формирования информации о земле.

В мировой практике ведения учета земель сельскохозяйственного назначения с использованием современных методов проводятся научно-исследовательские работы, направленные на интеграцию информации связанной с землей в базу данных, автоматизацию геостатистического анализа, разработка новых научно-технических решений для создания дополнительных интерфейсов к программному обеспечению с использованием метода кодирования. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям, направленным на получение высокоточной земельной информации при учете земель сельскохозяйственного назначения и повышение эффективности работ по определению площади поверхности.

В настоящее время в Республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по использованию современных методов в сфере землеустройства и земельного кадастра, в частности, проводятся мероприятия, касающиеся с использованием современных методов оцифровки всей информации касающиеся земель. В 2017-2021 годах была определена стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, включающая задачу «...использование оперативного сбора данных и предоставления электронных государственных услуг с использованием GPS-технологий в сферах земельных ресурсов, локации, дорожной, инженерной инфраструктуры, туризма». При реализации этих задач, в том числе, важное значение имеет проведение научных исследований по мониторингу земель сельскохозяйственного назначения на основе современных методов, ведению земельного учета и визуализации почвенных разрезов на основе геоинформации, являющихся показателями качества земель, а также модуляции автоматизированной системы процессов.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных Указом президента Республики Узбекистан от 14 апреля 2019 года № ПФ-5708 «О мерах совершенствования системы государственного управления в отрасли сельского хозяйства», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 августа 2016 года № 273 «Об утверждении программы государственного мониторинга окружающей среды в Республике Узбекистан на 2016-2020 годы» и от 23 августа 2016 года и от 18 августа 2014 года № 235 «О совершенствовании системы определения нормативной стоимости площадей сельскохозяйственных культур», а также

иных нормативно-правовых документов, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование было выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и техники в республике III. «Сельское хозяйство, биотехнология, водные проблемы» и IV. «Автоматизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

